



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 1-avgust. Shanba • 89 (31.992)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЎзХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ
КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАХЛИЛ,
МУЛОҲАЗА

Партия фаоли, депутат одамлардан бир қадам олдинда бўлиши

сиёсий партия ғоялари ортидан
уларни эргашира олиши лозим

Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорда қайд этилганидек, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб аҳолимиз, биринчи навбатда кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустаҳкамлашга ажратилаётган йиллик харажатлар изчил ошиб бораётгани, биргина 2014 йилда бу рақам 60 фоиздан ортигани мазкур йўналишда олиб борилаётган кенг қўламли ишларимизнинг мантиқий натижасидир.

Дарҳақиқат, ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёт даражасига баҳо беришда унинг аҳолини ижти-



Фаррух АЛИЕВ оғлан суратлар.

мойи ҳимоя қилиш, ногиронлар, кексалар ва ёшларга кўрсатилаётган эътибори ва ғамхўрлиги муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида ҳам бу йўналишда қатор муҳим вазифалар белгиланган. Ҳўш, партия Сайловолди дастурида ўртага ташлаган дастурий мақсадларини амалга оширишда ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари қандай ташаббуслар билан чиқмоқда? Бу саволга ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши фаоллари, депутатлар фикр-мулоҳазалари орқали жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

► Давоми 2-бетда.

Ранглар жилосида она диёр мадҳи

Бухорода «Ранглар жилосида она диёр мадҳи» мавзусида тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида санъат, ҳусусан, тасвирий санъатни ривожлантириш, ўзига хос мактаб ва анъаналарни шакллантириш, ижодкорлар меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб, «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шiori остида ташкил этилган кўргазмада вилоятда яшаб ижод қилаётган мўйқалам усталари, кул-

лар ва ҳайкалтарошларнинг саксонга яқин асари намойиш этилмоқда.

Экспонатлар орасида мамлакатимизда турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари акс эттирилган суратлар, фидойи замондошларимизнинг портретлари, сопол буюмлар, ҳайкалтарошлик асарлари намуналари, воҳага хос урф-одат ва маросимлар ифодаланган картиналар ўрин олган. Бу ерда намойиш этилаётган асарларнинг кўпчилиги турли халқро кўргазмаларда муҳлис ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлган.

Тадбир доирасида ушбу асарлар муаллифлари Раҳмон Авезов, Музаффар Абдуллаев, Бекзод Каримов, Раъно Эшонкулова, Аслон Рамазонов ва бош-

қалар билан учрашув ҳамда танқиди мусавирларнинг ёш рассомлар учун маҳорат дарслари ўтказилди.

— Кўргазмага қўйилган асарлар, устозларимизнинг маҳорат сабоқлари Ватанимиз нақадар бетакрорлигини янада чуқур ҳис этиш, ҳаётни, танланган мавзунини теран англашга, самимий, табиий тасвирлашга ундайди, — дейди Ўзбекистон Бадий академиясига қарашли Бухоро ихтисослашган санъат мактаб-интернати ўқувчиси Камолитдин Абдиев. — Бундай тадбирлар биз, ёш рассомлар учун жуда фойдалидир.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими М.Осонов сўзга чиқди.

Э.Ёдгоров,
ЎзА мухбири.



ФАРҒОНА ХАЛҚАРО АЭРО-
ПОРТИДА ЙЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ ДАРАЖАСИ, ПАРВОЗЛАР
СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИ-
РИШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ ҚЎЛАМЛИ
ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Хизмат кўрсатиш такомиллаштирилмоқда

Ўтган йили мукаммал реконструкциядан чиқарилган ва янги қиёфа касб этган аэропортда йўловчилар ҳамда аэропорт хизматчилари учун янада қулай шароитлар яратилди. Кондиционер, вентиляция, иситиш тизими ва жиҳозлар ян-

гиланди. Бинога ўрнатилган замонавий видеокузатув камералари, детекторлар авиация хавфсизлигини юқори даражада таъминлашга хизмат қилмоқда.

ЎзА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ҳаракат дастури ижроси

Халқ депутатлари Термиз туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи ййгилишида партиянинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган Термиз туманида соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш масаласи ҳусусида сўз борди.

Таъкидландики, туман аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида ўндан ортиқ тиббиёт муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Туман тиббиёт бирлашмасининг Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига жорий йил учун маҳаллий бюджетдан зарур маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар йил давомида тумандаги тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш, замонавий лаборатория, таххис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, дори-дармон воситалари билан таъминлашга йўналтирилиши режалаштирилган.

Тўрабек ЗОИРОВ, Ўзбекистон ХДП Термиз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Туманда тез тиббий ёрдам хизмати замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар тезкорлиги ва сифатини ошириш мақсадида шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимида таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бу ерда техник воситалар доимо қақирувга тайёр бўлиб, улар зарур дори-дармон ва бошқа воситалар билан тўлиқ таъминланган. Ходимлар малакаси оширилиб, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилди. Натижада туман марказидан тортиб токи олис ҳудудлардаги маҳалаларда истиқомат қилаётган аҳолига

ҳам зарур пайтда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва даражаси анча яхшиланди.

Рустам АШУРОВ, Термиз туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори:

— Туман аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларга ўз вақтида замонавий тиббий хизмат кўрсатишда мавжуд 11 та қишлоқ врачлик пункти шифокорлари фаоллик кўрсатмоқда. Айни пайтда тумандаги тиббиёт муассасаларида босқичма-босқич таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий шарт-шароитлар яратилмоқда. Жорий йил ҳудудий инвестиция дастури бўйича Учқизил кўрғонидида 3 қаватли шифохонани таъмирлаш учун 1 млрд. 762 млн. сўм маблағ ажратилди. 60 ўринга мўлжалланган ушбу масканда таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Ййгилишда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли даволаш-профилактика муассасалари кесимида врач кадрлар етish-маслиги, кадрлар малакасини ошириш, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, дори-дармон, бир марталик тиббий воситалар билан таъминлаш масалаларидаги айрим камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф-таъсиялар ишлаб чиқилди.

Аббор ҚУРБОНОВ

Эътироф

Мамлакатингизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ишхотлар бераётган самаралар ҳайратланарлидир. Айниқса, иқтисодий жабҳада ҳавас қилса арзигулик улкан ўзгаришлар рўй бериб, кенг имкониятлар яратилмоқдаки, бу омиллар хорижий тадбиркорларнинг ҳамкорликка қизиқишини оширмоқда. Бу ерда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, муваффақиятли бизнес юритиш имконининг катта экани кўпчилик қатори мени ҳам бефарқ қолдирмади. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати бўйича бизнесни йўлга қўйишни ният қилдим.

Абдуҳамид АББОС,
(БАА)


Август ойи
пахта
ривожиди,
ҳосил
тўплашда
ҳал қилувчи
фаслдир



ЎзХДП ФАОЛЛАРИ
ҲАҚИДА

Яхшилик
қилиш —
фазилят

4



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ВАТАННИ СЕВМОҚ, УНГА
СИДҚИДИЛДАН ХИЗМАТ ҚИЛМОҚ
ҳам фарзандлик, ҳам фуқаролик бурчимиздир



Олий Мажлис Сенатининг
навбатдаги ялпи мажлисида қандай
қонунлар кўриб чиқилади?

ЎЗХДП ФАОЛЛАРИ ҲАҚИДА

Яхшилик қилиш — фазилят

Жомбой туманидан Самарқанд шаҳрига қатнайдиган автобусда танишим билан суҳбатлашиб кетаётгандик. Орқа ўриндиқда ўтирган, ўзини Озода Раҳимова (хотишига биноан исм-шарифи ўзгартирилган) деб таништирган аёл журналистлигимни билиб, Жомбой туманида яшовчи саховатпеша аёл — ЎЗХДП фаоли Клара Комиловани таниш-танимаслигимни сўради. «У жуда кўп муҳтож оилаларга ёрдам берган, ҳозир ҳам ҳеч кимдан ёрдамини аямайди, кўпларнинг дардига малҳам бўляпти», — деди. Тўғриси, бу аёлни танимас эканман.

Орадан бир канча муддат ўтгач, қандайдир иш билан вилоят хотин-қизлар кўмитасига кирганимда, Клара Комилова ва автобусда у ҳақда тўлиб-тошиб гапириб берган Озода Раҳимова билан боғлиқ хатга тасодифан кўзим тушди. Бу хат Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Эльмира Боситхонова томонидан Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Раббимовага жўнатилган ва унда шундай сатрлар бор эди: «Ҳурматли Нигора Исаевна! Сиздан Жомбой тумани, «Каттақишлоқ» МФЙ ҳудудига яшовчи Озода Раҳимовага ҳолис ёрдам кўрсатган ЎЗХДП аъзоси Клара Комиловага миннатдорчилик билдириб, бу саховатпеша аёл фаолиятини матбуотда ёритиш сўралади». Шу хат баҳона, Озода Раҳимова излаб топдим, Клара Комилова ҳақида суриштирдим. — Клара опа ёрдами билан ҳаётга қайта келгандай бўлдим, — деди аёл. — Турмуш ўртоғим ўша пайтда иш-ламасди, учта фарзандим ногирон. Тўғриси, қийналиб қолдим. Бир куни тасодифан бир аёлга дуч келиб қолдим. Кўришим бир аҳволда бўлса керак, мени тўхтатиб: — Ҳа синглим, тинчликми, қайқа кетяпсиз? — деб сўради.

Меҳрибонимни топгандай, йиғлаб юборибман, денг. Мени овутиб, тинчлантирганидан кейин аҳволни гапириб бердим. Аёл ҳамма ишини ташлаб, мени тўппа-тўғри Жомбой тумани ҳокимлигига бошлаб борди. Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ҳафиза Ўсарова қабулига олиб кириб, воқеани гапириб берди, ёрдам беришни сўради. Ҳафиза Ўсарова дарҳол машина ташкил қилиб, тирикчилик учун зарур бўлган бирламчи маҳсулотларни олдириб, уйимга юборди. Кечқурун ўша аёлнинг ўзи болалари билан уйимга анча озиқ-овқат, болаларимга ўйинчоқлар олиб келди. Кейин билсам, бу жонкуяр аёл Клара Комилова экан. Унинг ёрдами билан ногирон болаларимга давлат томонидан нафақа тайинланди, уларни шифохонага ётқизиб даволатишди, бепул дори-дармонлар билан таъминлашди. Бу орада ўзимга ҳам иш топиб беришди, яшаш шароитимиз ўнганлиб қолди. Агар ўша куни Клара опага дуч келмаганимда, нима бўларди, билмадим, — дея ҳикоясини яқунлади Озода Раҳимова. — Мени танимаган, билмаган оддий бир аёлнинг бундай олижаноблиги, саховатпешалигидан таъсирланиб, давлатимиз томонидан кўрсатил-

ётган ғамхўрликлардан мамнун бўлиб Жомбой тумани ҳокимлигига, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига миннатдорчилик хати ёздим. Бундай инсонларни қанча улуғласак арзийди, деб ўйлайман. Маҳалланинг энг фаол онахони ва ЎЗХДП аъзоси сифатида ижтимоий ҳимояга ҳамда моддий ёрдамга муҳтож оилалар Клара опанинг энг кўп борадиган манзиллари ҳисобланади. Бир гал маҳалла фуқаролар йиғини раиси барча фаолларни тўплаб, улар учун янги ажратилган бинони таъмирлаш муаммосини ўртага ташлади. Буни ҳам Клара опа зиммасига олди. Тадбиркорлик билан шуғулланаётган фарзандлари билан маблағ жамлади. Ҳашар уюштириб, қисқа вақтда бинони таъмирдан чикарди. Буни биров билди, биров билмади. Қиш пайтларида Жомбой тумани марказидаги 40-умумтаълим мактаби яхши иситилмас эди. Клара опа ота-оналарни тўплаб, янги газ линияси тортиб келиш масаласини кўйди. Шу савоб ишга бош бўлиб, ота-оналар кўмитаси раиси ва тадбиркорларни ишга солди, охири яхши ният амалга ошди. «Менга ота-онам тарбияси, бағрикенглиги ибрат мактаби бўлган, — дейди Клара опа. —

Қачон қараманг, ҳали маҳалла юмуши билан, ҳали ўзи кўп йиллардан бери аъзо бўлган Халқ демократик партиясининг иши билан елиб-югуради, тиниб-тинчимайди. Улар одамларга яхшилик қилишни савоб деб билар эдилар ва доимо шунга амал қилардилар. Мен ҳам жамиятимизда ота-онамдай фазилятли инсонлар кўпайишини истайман, улардай бўлишни орзу қиламан». Бу сўзлар Мухтабар Қаримованинг республика фаол хотин-қизлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Аёл яратган дунё» номи («Шарқ» нашриёт-матбаа уйида чоп этилган) китобнинг Клара Комиловага бағишланган 339-бетидан олинди. — Бир ишни қилишдан олдин доим Жомбой тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ҳафиза Ўсарова билан албатта маслаҳатлашаман, — дейди Клара опа. — Бир ечимга келгандан кейин

у киши мутасадди ташкилот раҳбарларига қўнғироқ қилди, бу эса ишнинг тезроқ ҳал бўлишига ёрдам беради. Жомбой туманида ўзига яраша обрў-эътибор топган Клара опа турмуш ўртоғи Жамол ака билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, воёга етказишди. Ўқитишди, касб ҳунарли қилишди, элга қўшишди. Клара Комилова уйда кўл қовуштириб ўтиришни ҳушламайди. Қачон қараманг, ҳали маҳалла юмуши билан, ҳали ўзи кўп йиллардан бери аъзо бўлган Халқ демократик партиясининг иши билан елиб-югуради, тиниб-тинчимайди. Айниқса, Кексаларни эъзозлаш йилида Клара опанинг эғир-эғирлари янада кўпайган. Маҳалладаги мўътабар онахонлар ва нуруний отахонлар ҳолидан хабар олиш, уларни мактабларга таклиф этиб учрашувлар ўтказиш, ёш авлодни миллий қадриятларимиз удумли руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш опанинг мақсад-муддасига, ҳаёт мезонига айланган. Жамиятимизда фидойи, жонкуяр инсонлар бор экан, яхшиликлар кўпаяверади, меҳр-оқибат қалблардан-қалбларга кўчиб ўтаверади, ҳаётимиз янада фаровон бўлаверади.

Хайрулла ҲАМРОЕВ,
Нуруллоҳ ДОСТОН.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан «Миллий кинематография санъатини ривожлантириш муаммолари ва истиқболдаги режалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Анжуманда миллий кино санъатини ривожлантириш, шу соҳада фаолият юритаётган хусусий студияларни қўллаб-қувватлаш борасида агентлик томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича ахборот берилди. — Миллий киномизда замонавий қаҳрамонларимиз образи яратилмаптими-йўқми, уларнинг аҳоли ўртасида тарғиб қилиниши қай даражада, санъатнинг бу турини янада ривожлантириш учун нималарга эътибор бериш зарур каби саволлар кун тартибига турибди, — деди «Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи Аҳмаджон Умаров. — Бугунги кунда яратилаётган фильмлар «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига биноан бўлади, ми ёки хусусий студиялар томонидан суратга олинганими, бундан қатъи назар, уларнинг тарбиявий аҳамияти, бадиий-ғоявий савияси зукко томошабин талабига жавоб берадиган бўлиши керак. Тадбирда кинематография соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни яхшилаш, халқаро кинофестивалларда энг яхши ўзбек фильмлари билан иштирок этиш масалалари борасида ҳам мулоҳазалар билдирилди. Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Шоҳбоз САИДОВ

РЕКЛАМА

AGROBANK

«Fitch Ratings» Халқаро рейтинг агентлиги 2015 йил 27 июлда

«Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг халқаро рейтингини

«БАРҚАРОР»

дея қайта тасдиқлади.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган

MIKROKREDITBANK

2015 йил 24 июль куни

«Fitch Ratings» ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ КЎРСАТИКИНИ «БАРҚАРОР» ДЕБ БАҲОЛАДИ.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859 10987 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 21.20 Topshirilgan vaqti — 22.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

